2003 YIL 30 AVGUST, SHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№110 (6.635). Sotuvda erkin narxda

# ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

## 29 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТДА ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ БОШЛАНДИ.





***Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.***

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов ҳисобот берди. Бу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов қўшимча маъруза қилди.

Ушбу масала муҳокамасида Бўзатов тумани ҳокими А.Жуманов, «Андижонгўштсутсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси П.Мамаков, Фарғона тумани марказий шифохонаси бош шифокори М.Мамажонов қатнашди.

Муҳокама этилган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари қонунчилик ҳокимияти вакиллари бўлган депутатлар мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг биринчи ярим йилликдаги ижросини холис муҳокама этиши, бюджетнинг иккинчи ярим йилликдаги ижросида ҳисобга олиш керак бўлган аниқ танқидий фикрларни билдириши лозимлигини таъкидлади.

Маъруза муҳокамасини Сурхондарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги 13-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори Э.Донаев, Гулистон шаҳридаги 4-мактаб директори Г.Латипова, «Халқ сўзи» газетасининг фотомухбири Т.Ҳамроқулов давом эттирди.

Молия вазири М.Нурмуродов берилган саволларга жавоб қайтаргач, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов миллий валютани мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик истиқболларининг моҳиятини тушунтириб берди. Депутатлар давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» (янги таҳрири) ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳаларини Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокамасида Наманган шаҳри ҳокими М.Тожибоев, Когон ёғэкстракция заводи қурилиш дирекцияси директори М.Зайниев, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Миллий Олимпия қўмитаси президенти А.Носиров, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш институти Фарғона бўлими илмий ходими М.Раҳматов иштирок этди. Парламент янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунни маъқуллади ва уни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан «Фидокорлар» миллий демократик партияси Марказий Кенгаши котиби, «Фидокор» газетаси бош муҳаррири ўринбосари А.Болиев, Косонсой тумани ҳокими У.Маматов, Хўжайли тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ваколатхонаси раиси Х.Шерибоев ўз фикрини билдирди. Депутатлар «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.



Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ҳам депутатлар муҳокамасига ҳавола этди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасида Булунғур тумани ҳокими Х.Боймуродов, Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси, Хоразм вилояти Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Қамбаров, Тахтакўпир тумани «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Адилов, Ангор тумани ҳокими Т.Ҳамроев иштирок этди. Депутатлар муҳокама этилган қонунни қабул қилиш учун овоз берди.

Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Хатирчи тумани ҳокими Э.Турдимов, «Бухородонмаҳсулот» ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров, «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси Х.Дўстмуҳамедов, Қарши шаҳри ҳокими И.Асадов ўз фикрларини билдирди. Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

(Давоми 2-бетда)





# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Мамлакатингиз мустақиллигининг 1 сентябрда нишонланадиган ўн икки йиллик байрами муносабати билан Сизни ва Ўзбекистон халқини Америка халқи номидан самимий қутлайман. Ушбу воқеа -давлатларимиз ўртасидаги мавжуд яхши муносабатларни яна бир бор таъкидлаш учун қулай фурсатдир.

Терроризмга қарши урушга қўшган мардона ҳиссаси учун ҳукуматингиздан миннатдормиз. Мамлакатингиз халқининг ўз манфаатларига ҳам, шунингдек, минтақада тинчликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилувчи гуллаб-яшнайдиган, барқарор ва демократик Ўзбекистонни бунёд этиш ишида бундан буён ҳам ҳукуматингиз билан ҳамкорлик қилишга астойдил содиқ бўлиб қоламиз.

Истиқлолингизнинг келгуси йилларида ҳам тинчлик ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

Самимий эҳтиром билан,

**Жорж Буш,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Халқларимизни асрлар мобайнида боғлаб келаётган дўстлик ва ишонч анъаналарини Россияда юксак қадрлайдилар. Бу мустаҳкам негиз - икки томонлама муносабатларни илдам ва жўшқин ривожлантириш, стратегик шериклик ҳамда ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш гаровидир.

Ишончим комилки, Самарқанддаги учрашувимиз чоғида эришилган аҳдлашувларни рўёбга чиқариш Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик ва масъулиятли давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром билан,

**Владимир Путин,**
**Россия Федерацияси Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловлар йўллаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Ушбу фурсатдан бажонидил фойдаланиб, айни вақтда шахсан Сизга омонлик, Ўзбекистон Республикаси халқига эса саодатли истиқбол тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

**Томас Клестиль,**
**Австрия Республикаси Федерал Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Сизни ва халқингизни давлат байрами - Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Словакия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан буён ҳам давлатларимиз ва халқларимизнинг фаровонлиги йўлида ривожланиб бораверишини астойдил хоҳлайман.

Сизнинг Словакия Республикасига бўлажак ташрифингиз муносабатларимизни ривожлантиришга янги омил бахш этишига ишончим комил.

Жаноби Олийлари, камоли эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

**Рудольф Шустер,**
**Словакия Республикаси Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий куни - 1 сентябр байрами муносабати билан Сизга ғоят қизғин қутловлар, шунингдек, мустаҳкам соғлиқ ҳамда шахсий ва давлат ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар, ўзбек халқига эса тинчлик ва равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни йўллайман.

Давлатларимиз ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик, Сиз билан яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашувимизда аҳдлашиб олганимиздек, бундан буён ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида тобора кенгайиб, чуқурлашиб бораверишига ишончим комил эканлигини маълум қиламан.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Ион Илиеску,**
**Руминия Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Миллий байрам куни муносабати билан фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига қутловларимни ҳамда Ўзбекистон халқига гуллаб-яшнайдиган истиқболни тилаб билдирган самимий истакларимни йўллайман.

**Беатрикс,**
**Нидерландия Қироличаси**

# АЖДОДЛАР РУҲИГА САДОҚАТ

**ЭЪТИРОФ**

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Хоразм вилоятини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони ҳар бир хоразмлик қалбини тўлқинлантириб юборди.***

Вилоятимиз мустақиллик учун толмас курашчи, мард ва ботир саркарда, ўзбек халқининг миллий қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланганлигининг рамзий маъноси ҳам бор. Бу авлодлар қонида боболар қони оқаётганидан дарак, улар фазилатлари давомийлигининг гувоҳидир. Ахир Жалолиддин бобомиз ботир, жасурлиги билан ҳатто душманларини-да чексиз ҳайратга солган бўлса, бугунги воҳа аҳли буюк неъмат – Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қувватини ошириб, дунёдаги энг тараққий қилган мамлакатлар қаторига чиқариш йўлида тиним билмай меҳнат қилаётганлиги таҳсинга сазовордир. Ҳурматли Юртбошимиз "Хоразм деҳқонининг ҳар бир куни қаҳрамонлик", деб бизни ғоят мамнун этгандилар. Вилоятимизнинг жанговар нишон билан тақдирланганлиги бутун воҳа аҳли, жумладан, мамлакатимиз ривожини жадаллаштириш, эл-юрт ризқини яратиш, кишилар дастурхонини тўкин, ҳаётларини фаровон қилиш йўлида фидойилик кўрсатаётган биз – деҳқонлар меҳнатининг ҳам эътирофидир. Қувонарлиси, ҳурматли Юртбошимиз ҳамиша меҳнатларимизни қадрлаб келаяпти. Ҳеч қачон дўстона маслаҳати, оталарча ёрдамларини аямаганлар. Бизда деҳқончиликнинг ниҳоятда оғирлиги ҳаммага маълум. Сурункасига икки йил сув тақчиллигини бошдан кечирган воҳа аҳли фидойи меҳнатлари билан ердан юқори ҳосил олиб келмоқдалар. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, вилоятимизда бир неча миллат вакиллари бир оила фарзандларидай тинч-тотув яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, кейинги йилларда Хоразм мамлакатимизнинг энг тинч, изчил ривожланаётган жойларидан бирига айланди.

Қишлоғимизда буюк мутафаккир шоир, енгилмас курашчи Паҳлавон Маҳмуд, аллома шоир ва тарихнавис, жамоат арбоблари Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳийлар таваллуд топганлар. Бугунги кунда эса бу ерда дала илмининг билимдонлари истиқомат қилаяптилар. Бу йил 220 гектар майдон ҳисобидан давлатга 700 тоннадан зиёд сара дон топширдик. 600 гектар майдондаги ғўзаларда оппоқ чаноқлар пайдо бўла бошлади. Ҳосил чўғи баланд. Ҳар бир тупда 15-20 тадан бўлиқ кўсак бор. Халқимизда эл эътибор билан яшнайди, деган сўз бор. Мамлакатимиз Президенти камтарона меҳнатимизни юқори баҳолаган эканлар, биз ҳам мустақил Ватанга садоқатимиз, унумли меҳнатимиз билан жавоб бераверамиз.

**Отаназар ПИРНАЗАРОВ,**
**Хива туманидаги Огаҳий номли ширкат хўжалиги раиси, Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.**

# КЎНГИЛ УЙИН НУРИ СЎНМАСИН

**ТАҚҚОС**

***-Манави бойликларни кўряпсизми? – дейди Музрабод туманидаги "Янгиобод" ширкат хўжалиги раҳбари Эркин Жумаев. – Бу газета-журналлар менинг бойликларим. Мана, "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Қишлоқ ҳаёти" газеталари. Ҳар бир сонини ўқиб бораман.***

2004 йил учун обуна мавсуми бошланяпти. Яна 10 хилдаги нашрларга обуна бўлмоқчимиз. Аслида раҳбарларнинг фаолиятига баҳо берганда пахтадан неча центнердан ҳосил олганига қараб хулоса чиқарган киши янглишади. Ким қанча китоб ўқиган, газета-журналлар оладими? – умуман олганда, ширкат аъзоларининг маънавий олами қандайлигига қараб баҳо берган маъқул!

Яккабоғ туманидаги "Яккабоғ" ширкат хўжалигида бўлганимда юқоридаги мулоҳазаларни эсладим. Бош ҳисобчи Раҳмат Аҳмедов билан гурунг қилганимда эса маданий-маиший хизмат, кишиларни маънавий жиҳатдан камол топтиришга интилиш мақтайдиган даражада эмаслигини англадим.

Шуҳрат Бекназаров 8 йилдан бери шу хўжаликка раис, Раҳмат Аҳмедовнинг ўзи эса 6 йилдан буён бош ҳисобчи экан. Ёши олтмиш бешда бўлса-да дадил.

-Раиснинг маданият ишлари бўйича муовини бор эди. Янгибоев деган киши, у бошқа ишга ўтиб кетди, - дейди Аҳмедов. – Тўғри, айрим хизмат турлари дуруст эмас. Масалан, ҳаммом йўқлиги кўпчиликни ташвишга соляпти. Чунки, кўпчилик хонадонларда ҳаммом қурилмаганлиги аниқ. Хўжаликнинг стадионини қуриш, бадиий ҳаваскорлик ансамбли тузиш тўғрисида ўйлаб кўрганимиз йўқ.

(Давоми 4-бетда)

**31 АВГУСТ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ**

# ТУҲМАТГА ГИРИФТОР БЎЛГАНЛАР

***Президентимизнинг 2001 йилнинг 1 майида "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармони маънавий ҳаётимизда жуда катта янгилик бўлди.***

Бу фармон ноҳақ туҳматга учраб, номлари қора, бахтлари забун бўлган кишиларнинг хотирасини эъзозлашда катта аҳамият касб этмоқда. Аслида ҳам ўтган асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йилларда туҳматга дучор бўлиб, Сибир даҳшатларини бошдан кечирганларнинг, деярли бари юртнинг билимли, ақл-идрокли мард фарзандлари бўлиб, ўзларининг ҳурфикрлилиги билан ажралиб турганлар.

Мустақиллик бизга том маънода "оқни – оқ, қорани – қора дейишга" имкон яратди. Натижада "темир қути"ларда сақланаётган ҳужжатлар билан танишишга муяссар бўлдик.

Ўша мудҳиш воқеалар сабабларидан бири – юқори минбардан туриб айтган бир оғиз сўзи ёки матбуотда нашр қилинган битта мақоладаги айрим жумлаларни қатъий қонун сингари ёппасига қабул қилинган эди. Аянчлиси шунда эдики, марказдаги битта раҳбарнинг "айби" топилса, бутун бир мамлакатдан унинг "дум"и қидирилар, оила аъзоларидан тортиб, яқинларигача қамоққа тиқиларди.

(Давоми 4-бетда)

# ОР-НОМУС ҚАДРИ

**ПУБЛИЦИСТИКА**

***...Тилимизда ор-номус ҳақида турли нақл ва иборалар юради. Масалан, "Ор-номусли одам", "номуси кучлилик қилди", "номуси йўл қўймади", "номуси ер билан битта бўлди" каби.***

Бу ибораларнинг ҳар бири тагида ҳар хил маъно бор. Одамлар тақдири билан қизиқиб, уларни мулоҳаза чиғириғидан ўтказсангиз шу ибораларга мисол бўладиган воқеаларга кўплаб дуч келасиз. Умуман, ор-номус ҳақида гап кетса, баъзан енгилроқ ўйлаб, "уят" маъносини фикримиздан ўтказиб қўямиз. Аслида эса бу сўзнинг ёки туйғунинг инсон ҳаётидаги ўрни жуда кучли. Бекорга қатъиятли ва журъатли инсонларни "ор-номусли йигит", номуси кучли одам" деб атамаймиз.

Номуси кучли ёки номуссиз одамлар сиз билан бизнинг орамизда яшайди. Мен сизларга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган воқеаларнинг ҳаммаси бўлиб ўтган бўлса-да, ундаги одамлар исмини сал ўзгартириб ёздим. Ҳар қалай бундан ҳар кимнинг ўзи ўзича хулоса чиқариб олгани маъқул, деб ўйлайман. Зотан, дунёда инсон кўнглидан-да нозик нарса йўқ.

Катта-кичик давраларда бўлсангиз, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганлиги, каттага ҳурмат, кичикка иззат ҳисси анқонинг уруғи бўлиб қолганлигини тез-тез такрорлаб турилади. Гарчи бу гапларга бирда қўшилиб, бирда қўшилмасанг ҳам барибир теварак-атрофингда бўлаётган воқеалар фикрлашга, бор ҳақиқатни аччиқ бўлса ҳам айтишга ундайди. Меҳр-оқибат, ҳурмат-иззатни бир четга суриб қўяйин-у, баъзи кишиларда ор-номус қолмаганлигига ачиниб кетаман.

(Давоми 2-бетда)

**ТАЛАБЛАРИНГИЗГА БИНОАН**

# ҚЎШИҚ ДИЛДАН КУЙЛАНСА...

## Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эрқулова билан суҳбат

***-Гулбаҳор опа, суҳбатимизни ижод йўлингизнинг аввалидан, яъни мумтоз мусиқага меҳр қўйишингиздан бошласак...***

-Болалигимдан ғамгин ва сокин қўшиқларга иштиёқим баланд бўлган. Танбур ва ғижжакнинг мунгли овозини эшитган заҳотим, сеҳрланиб қолардим гўё. Юрагимнинг туб-тубида мусиқага уйғун оҳанг пайдо бўларди. Қўшиқ сўзларининг маъносини англамасам-да, мен азалдан шу оҳанглар ичида яшаб келаётганга ўхшардим. Беихтиёр унга жўр бўлардим. Бу ҳолат жуда бошқача эди, мен ундаги тиниқлик ва улуғворликни сўз билан ифода этолмайман. Болалик йилларимни эсласам, мумтоз мусиқага меҳр уйғотган буюк ҳофизлар Маъмуржон Узоқов, Ортиқхўжа Имомхўжаева, Фаттоҳхон Мамадалиев, Берта Давидова, Ҳанифа Мавлонова, Барно Исҳоқова каби ҳофизларимизнинг бетакрор овози хаёлимда қайта жонлангандек бўлаверади.

**-Демак, сиз санъатга табиий равишда, ички туйғулар амрига тобе ўлароқ кириб келгансиз.**

-Тўғри айтдингиз. Биласизми, мумтоз санъатимизга, қўшиқчиликка қалб амри билан кирган одам, ана шу сеҳир оламнинг кичик бир заррачасига айланади. Ундан чиқиб кетолмайди. Мен ҳам ҳаётимни санъатсиз тасаввур қилолмайман.

(Давоми 4-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

ХЎРОЗ УРИШТИРАЁТГАН... ХОТИН

ОНА ЭЛИМ

# ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Боши 1-бетда)

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича маърузасидан бошланди. Урганч давлат университети ректори А.Саъдуллаев, Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси - бош директори В.Кучеров, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари И.Ғофуров, Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский иштирок этган муҳокамадан сўнг, парламент мазкур қонун ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.



Сессияда Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева «Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида маъруза қилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги раиси А.Орипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломованинг чиқишидан сўнг, депутатлар «Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.



Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари Й.Жўраев «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича маъруза қилди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, Ромитан тумани ҳокими А.Нозимов, Қамаши тумани марказий шифохонасининг бош шифокори А.Ғафуров, «Ўзбекинвест» миллий компаниясининг Фарғона вилояти шўъба корхонаси директори А.Мўминов, Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги 2-мактаб директори Ж.Исроилов иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Бу лойиҳа бўйича «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов, Томди тумани ҳокими А.Назаров, Шаҳрихон шаҳридаги «Ривож» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, «Ўзкимёсаноатлойиҳа» лойиҳа-технология институти бош директори Ҳ.Назаров, «Лола-Узор» кўп тармоқли хусусий фирмаси директори Х.Мирзаахмедов, «Бухоротурист» акционерлик жамияти раиси М.Зокиров сўзга чиқди. Депутатлар «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 30 август куни ўз ишини давом эттиради.

**СУРАТЛАРДА: сессия пайтидан лавҳалар.**

***

А.ТЎРАЕВ (ЎзА) ва Б.АКРАМОВ («Қишлоқ ҳаёти») олган суратлар.




## ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ОДАМЛАР

***Бухоро вилояти республикада нисбатан тупроғи шўр ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ерлар доимо оппоқ бўлиб оқариб ётади.***

Гўзал Фарғонани эса Ўзбекистоннинг "Швейцарияси" деб атайдилар. Мана шу водийнинг қизи Бухорога келин бўлиб тушди. Қоракўлликлар қош қорайганда кириб келган меҳмонларнинг оёқлари остига қўй сўйишиб, ҳурмат-иззат билан кутиб олишди. Кечки базму жамшидларни ўтказишди.

Тонг отди... Келиннинг онаси Эъзоз ая супаларнинг оқлигидан ҳайратланиб:

-Вой тиниб-тинчимаган одамлар-е, бир меҳмондўстлик бўлса, шунчалар бўлар-да... Бизни деб ерларигача оқлашипти-я, - деди мамнунлик билан.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА**

## ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ

***Талаба йигитлар учун оғир иш – овқат қилиш. Қизлардан ҳадеб илтимос қилавершга ҳам юз чидамайди. Олим билан ҳамхона бўлдим-у, бу муаммоларга ечим топилди.***

Ўша пайтлари телевизорда "Оддий Мария" телесериали намойиш этиларди. Қизлар ана шу сериалнинг аллақачон "жинни"си айланиб улгуришган. Бошланди дегунча, ишлар ярмида қолади. Асосийси, ошхонадаги иштаҳани қўзғатувчи таомлар эгасиз бўлади-да. Биз бўлса, айнан шу маҳал пайт пойлаб овга чиқардик. Қозондан сал кичикроқ чойнак билан кружкани қўлга олиб, ишга киришамиз. Олим қозонлардан бир кружкадан улушни олиб "қозон"имизга солар, мен бўлса "пост"да турардим. Тайёрланган антиқа таом кишининг иштаҳасини қитиқлайди.

Шу зайлда сериални яратган киноматографчилару, эфирга узатаётган масъулларга раҳмат айтардик. Кинонинг бундан-да узун бўлишини Яратгандан сўрардик. Худди шундай кунларнинг бирида комендант мени чақириб қолди. Ов вақти... Уни қўлдан чиқармаслик керак, акс ҳолда оч қоламиз. Ноилож Олимнинг ёлғиз ўзи ишга киришди...

Дастурхон ёздим. Олим паровоздек буғ чиқараётган чойнакни олиб келиб лаганга ағдарди. Шу пайт "тарақ" этган овоз эшитилди. Қарасак, лаган синиб, омухта таом гиламни чиройли қилиб безади...

Кейин билсак, қизлар ишимиздан хабар топиб, уялтирмоқчи бўлишган ва чойнакка каттагина тош солиб қўйган эканлар...

**Саид РАҲМОНОВ**

# ОР-НОМУС ҚАДРИ

(Боши 1-бетда)

...Болалигимдаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Эсонали буванинг катта қизи Гулжамол куппакундузи қишлоқ кўчасидан бир йигит билан қўл ушлашиб, чолларнинг олдидан салом бермай ўтиб кетибди. Қариялар шу воқеани бир йиғинда Эсонали буванинг юзига солишибди. Буванинг етти номуси ерга кириб, бир йилгача элга қўшилолмай қолган. Келган совчиларни қайтараверган қизини эса охири "оқ" қилди. Кейинчалик эса қизни бир жойга унаштирди ҳам, ота уйидан чиқиб кетган қиз зор-зор йиғлаб, бувадан розилик сўраганида, "номусимни ерга қаратган қизга розилигим йўқ", деб тескари қараган.

Ота қарғиши ўқ экан, Гулжамол бу ҳаётдан бир умр бахтсиз ўтди. Туққан фарзандлари турмади, рўзғори бутланмади, эрдан ёлчимади... Энди шу воқеанинг илдизига қаранг. Бор-йўғи қиз билан йигит қўл ушлашиб, қарияларга салом бермай ўтибди. Хўш, нима бўпти шунга?! Бугун сиз билан бизга бу жўн бир нарсадай туюлади. Эсонали бувага эса НОМУС елкасига тош билан ургандай бўлган. Қизларимиз юзлари, кўзлари ва кийинишлари билангина гўзал эмас, одоби, ҳаёси, номуси билан ҳам гўзал эканлигини улар бошқачароқ тушунишган, шекилли.

Худога шукр, ҳаммамизнинг қизимиз бор, тўғриси, уларнинг бахтини ўғилларимиздан кўпроқ ўйлаймиз... Начора, қиз бола палахмоннинг тоши экан, борган жойида бахт топсин, деб жонимиз ҳалак. То эгасига топширмагунча минг ўлиб, минг тириласиз. Аллоҳдан уларнинг бахтини сўраб, "Илоё, ўзига инсоф берсин", деб ҳеч кимга эшиттирмай пичирлаб қўясиз.

Хўш, ўғилми, қизми ўзига инсоф бермаса-чи? Унда нима бўлади, номусингиз етти эмас, етмиш марта букилиб, элнинг ичида юзингиз ерга қарайди. Тўғрими? Сиз дарров тўғри дейсиз, мен ҳам қўшиламан. Лекин, кўнглимда аччиқ бир ҳақиқат тўғри эмас, деб ҳайқириб турибдида.

Нега дейсизми, эшитинг, айтадиган аччиқ гаплар бор. Ўғиллари кўчада ким бўлса шу билан муштлашиб, ўғрилик қилиб камалиб кетсаю, отанинг номуси келмай, давраларнинг тўрида ўтириб, ҳеч кимга гап бермай ўтирса. Ёки уйдан чиқмаган қизи номаҳрамлик йўлига кириб, бағрига никоҳсиз боласини босиб ўтирса-ю, номуси ерга кирмаса ёки отаси билан онасини қаровсиз ташлаб, беш кунлик давру-даврондан бошини ғоз кўтариб яшасаю, номус уни безовта қилмаса. Буям майли, хотини, бола-чақаси туриб, ўзга хотиннинг этагини тутиб кетса-ю, номуси қийналмаса. Ёки сал юқорироқ чиқайми? Эл бели букчайиб, бир сўм топарми-канман, деб кеча-ю кундуз меҳнат қилса-ю, кимнингдир пора, қинғир ишлар эвазига оғзи тўла мой бўлиб номуси бўғиб қўймаса?

Қаёқдан олдингиз бу гапларни, деб ўйламанг, биродар. Орамиздан олдим, ҳар қалай тирноқ остидан кир қидирганим йўқ. Нима, номуснинг қадри қолмадими, юрагимизда унга жой йўқми, деб қатор саволлар тўқийман. Яна атрофимдаги одамларга қарайман. Шароф аканинг ўғли ёшлигига бориб, ён қўшнисининг ўғли билан калтаклашиб қолди. Бир таёқ хато кетар, хато кетмаса бота кетар, деганларидек, аччиқ устида бошидан зарб еган қўшнининг боласи ўлиб қолди. Қиёмат-қойим бўлди. "Ҳовли олма, қўшни ол", "қўшнинг тинч, сен тинч", деган гаплар бир пул бўлди. Ўртадаги деворларга ўхшаш юракларда қора девор пайдо бўлди, кечиримлар, тиз чўкишлар ёшгина ўлиб кетган, дунёдан ҳеч нарса кўрмай ўтган бир умр олдида сариқ чақага ҳам арзимади. Шароф аканинг номуси ёниб кетди. Марҳумни чиқарган кунининг эртасига кўч-кўронини ортиб кўчиб кетди. Қанча қариялар ўртага тушди. Одамнинг номуси бир кўзғалса, уни тўхтатиб бўлмас экан. Бу воқеани ким қандай шарҳлайди, билмадиму, лекин бизга шундай кучли НОМУСлар жуда керак, деб ўйлайман.

Нима, орамизда номуси кучлилар кам дейсизми, улар жуда кўп. Номус билан яшаб, элнинг ардоғида юрган инсонлар сиз билан бизга замондош. Фақат биз улардаги бу фазилатларни сезмаймиз, баъзида, тўғриси қадрига етмаймиз. Номуссиз одам эса дарров кўзингизга ташланиб қолади. Чунки, бу қусурдан кўнглингиз азият чекади, кайфиятингиз бузилади. Хоҳлайсизми, йўқми, яхшилик ёлғиздай, ёмонлик эса кўпчиликдай туюлади. Хуллас...

...Қассоб сизга гўшт тортиб берди, қозонингиз қайнайди, болаларингизнинг оғзига илиндингиз. Негадир тарозининг тошидан кўнглингиз тўлмади, уйга келиб қўшнидан тарози олиб чиқиб тортиб кўрсангиз, икки кило гўштингиздан нақ 400 грамм етмайди. "Номуссиз", деб қассобни сўкдингиз. Қассоб эса сизнинг 400 грамм гўштингизга номусини алмаштириб, худога шукр деб фойдани ҳисоблаб ўтирибди. Ахир унинг ҳам бола-чақаси борми, бор бўлса шу номуссизлик билан топган луқмани уларга нима деб едиради? Беш қўл баробар эмас, сиз дуч келмаган бўлсангиз, дуч келганлар бор.

...Нима кўп - машина кўп. Нима кўп - ёнилғи қуйиш шохобчаси кўп. 10 литр бензин қуйсангиз, бемалол 2 литр бўлмаса ҳам бир литр уриб қолишади (мен ҳамма жойда шундай демоқчи эмасман, албатта). Билиб турасиз, атайин номусингиз йўл қўймайди. "Пулинг йўқ бўлса, нима қиласан машина миниб", деб қолса... Ойнали хонада бездек бўлиб ўтирган одамга номус керак эмасми ёки номус пулдан арзон бўлиб кетдими?..

Сухробжоннинг кенжа ўғли тўсатдан касал бўлиб қолди. Ер билан битта бўлиб йиғлайвергач, жон-пони чиқиб кетган ота қўшнисининг машинаси билан уни касалхонага элтди. Дарров унга тинчлантирувчи уколларни қилган дўхтир, ота ҳузурига чиқиб, касали "серёзно" эканлигини, уни операцияга ётқизиш лозимлигини айтди. Бунинг учун йигирма минг сўм кераклигини ва бу пул операцияга кетадиган сарф-харажатларга сарфланишини тап тортмай уқтирди. Биттагина сигирининг сутини сотиб, рўзғорини тебратиб ўтирган Сухробжонга бу пул тоғдек кўринди. "Бунча пулни қаердан оламан, дўхтир", деб илтижоли термулди. "Ўзингиз биласиз", деб ўрнидан туриб кетган дўхтирнинг бепарволигидан Сухробжоннинг жони халқумига келди. Елиб-югуриб, қарз-ҳавола қилиб пулни топиб келди. Ана ўшандан сўнггина операция бўлди. Қани, айтинг-чи, дўхтирнинг номуси қаерда қолди? Наҳотки, ўлим инсоннинг, бир беғубор боланинг ҳаётига шундай таҳлика солиб турса-ю, сарф-харажатни ҳисоблаб ўтирсак. Мен бу билан дори-дармон тақчиллиги бўлиб турган бир пайтда ҳамма нарса текин бўлиши керак, деган ўйдан йироқман. Лекин, йигирма минг сўм давлатга эмас, чўнтакка қараб кетса буни номуссизлик деб атамай, нима деб атай?

Фарзанд тарбияси ўта мураккаб жараён. Болалигидаги қилиқларига маҳлиё бўлиб ўғлингиз ёки қизингизнинг 17 дан ошганини сезмай қоласиз. Хўш, ота-она фарзандни қандай ниятлар билан ўстиради?

Аввало, соғлом бўлсин дейди, кейин билим олиб, ҳунар ўргансин, дейди. Ана ундан кейин бир ишнинг бошини тутиб, уй-жойли бўлсин, қариганимда қадримни билиб, номимизга, авлодимизга доғ туширмасин, дейди. Бизда ота-она ҳурмати ҳамма нарсадан юксак туради. Уни унутганларни виждонсиз, десангиз юмшоқроқ бўлади. Ундайларни НОМУССИЗ одамлар десангиз қўйилган аччиқ, лекин ҳаққоний баҳо бўлади. Лекин унутмангки, энг катта тарбия ёки ибрат мактаби аввало сиз ўзингиз.

...Европада ота-онасини ёлғиз ташлаб кетган, ҳолидан хабар олмаган ўғил ёки қизга ҳеч ким таъна тошини отмас экан. Бизда ота-онани ёлғизлатган фарзандни бир умр НОМУС тарк этмайди. Бизда эркаклар калта иштон кийиб юришга яқин-яқингача номус қилишар, Европада эса бунга табиий ҳолдек қарашарди. Ҳозир атрофингизга бир қаранг, қиз чиқариб, келин олган "янги ўзбек оталар" куёвлари, келинларининг олдида ҳам калта иштонда, "замонавий" бўлиб юришни ўзларига ор билмай қўйишди.

Баъзан номуснинг қадрсизланиб бораётганлигига намойиш этилаётган турли фильмлар, сериаллар ёки юзи очилган қўшиқлар ҳам ўз "ҳиссаси"ни қўшаяпти.

Ҳар куни қулоғимизга чалинаётган қўшиқлар ҳақида анчадан буён баҳслар, гаплар бўлаяпти. Тўғриси, гапдан нарига ўтмаяпмиз. Ўғил-қизларингиз олдида баъзи қўшиқлар янграб қолса ўзингизни қўярга жой тополмай қоласиз. "Бағрингга бос мани, жонгинам", деб қўшиқчи қиз ойнаи жаҳондан уялмай айтиб турса, додингизни кимга айтасиз. Номусингиз оловланиб кетади, қўшиқдан эса номуссизлик таралаверади. Афсуски, буларни ёшлар эшитаяпти, бу уларга ёқяпти шекилли...

Хуллас, ор-номуснинг бугунги бизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида шундай кўплаб мулоҳазалар хаёлларингни кемираверади. Юрагимиздаги баъзи туйғуларнинг юзи очилиб кетгандай туюлади. Бир-биримизга меҳрибонлик, самимийлик ва очиқ кўнгиллик ўрнига ғийбат, хиёнат ва таъмагирлик илдиз отмаяптимикан, деб хавотирга тушиб қоласан.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ**

# БЕРАРДА ЖОН ЧИҚМАСИН

ТААССУФ

***Қизиқ. Нега, ташкилот ва корхоналар электр энергиясидан беминнат фойдаланиб келади-ю унинг ҳақини тўлашга келганда "қўлнинг томири тортилиб" қолади. Бу борада Навоий вилоятида аҳвол қандай? Тан олиш керакки, электр энергияси таъминотида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, истеъмолчилардан ҳақ ундиришда муаммолар йўқ эмас.***

-Ҳукумат қарори ўз вақтида чиқди, - дейди Навоий электр тармоқлари шўъба корхонаси бошлиғи Одил Жиянов. – Ҳужжатда олдиндан 30 фоиз мажбурий тўлов амалга оширилгандан кейин истеъмолчи электр энергиясини олиш ҳуқуқига, таъминотчи бериш имкониятига эга бўлиши кўрсатилган.

Бу истеъмолчининг тўлов қобилиятига эга ёки эгамаслигини кўрсатади. Ҳақини олдиндан тўламаган ва якуний ҳисоб-китобни 60 кун ичида амалга оширмаган истеъмолчига энергия бериш тўхтатилади.

Бизнинг шўъбамиз томонидан ҳам муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилганлиги учун бир қатор ташкилот ва фермер хўжаликларига электр энергияси бериш тўхтатилган. Масалан, Қизилтепа туманидаги "Дўстлик", Зайни Хайриев фермер хўжаликлари, 9-механизациялашган кўчма колонна, Навоий туманидаги "Тўрабек", "Янги ҳаёт", "Ҳамкорлик", "Олтин бошоқ" фермер хўжаликлари, Навбаҳор туманидаги "Уч тут", "Эжанд" ширкат хўжаликлари ҳамда "Қалқонота" МТПси, Хатирчи туманидаги Ибн Сино номли, "Зарафшон", "Оқ олтин" ширкат хўжаликлари ана шулар жумласидандир. Бу хўжаликлар қарзини тўлаб, келгуси ой учун 30 фоиз олдиндан тўловни амалга оширишса, энергияни узиш ва қайта улаш билан боғлиқ харажатлар қоплангандан кейин уларга рухсат этилади.

Вилоятдаги корхоналари ичида энг катта қарздорлик "Навоийазот" очиқ ҳиссадорлик жамияти, Навоий тоғ металлургия комбинати, газ ва водопровод қурилиш, таъмирлаш корхонаси, "Синтепон" ҲЖ корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Бир қатор қарздор ташкилотлар бўйича прокуратура органлари иш олиб бормоқда. Навоий шаҳридаги "Кафолат-савдо", "Юсупов Қобил", "Олтин водий", "Ал-Карам" хусусий фирмаларидан ҳуқуқшунослар ёрдамида электр энергияси ҳақи ундириб олинди.

Шўъба корхонасида Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қароридан келиб чиқиб, тадбирлар мажмуи белгиланди. Унда истеъмолчилар қайта кўрикдан ўтказилаяпти. Вилоят бўйича қаерларда ҳисоблаш ускуналари ўрнатилган ва ўрнатилмаганлиги кўриб чиқилаяпти. Вилоятдаги ташкилотлар бўйича йиллик қарзлар аниқланиб, уни бартараф этиш жадвали тузилди ва ҳукумат комиссиясига топширилди.

Истеъмолчиларнинг олдиндан 30 фоизлик тўлов талабномаларини тижорат банкларига инкассага қўйиш таъминланаяпти. Энергиянинг сарф-харажатлари тўғрилигини аниқлаш учун ҳар ойда ҳисоблагич мосламаларини назорат қилиб бориш йўлга қўйилган. Навоийлик нурчилар эндиликда ҳисоб-китоб ишларини пишиқ-пухта ташкил этиб, шоли экмаганнинг ош ейишини кўр, қабилидаги хомтама ҳолатларга мутлақо барҳам бериш чоралари устида иш олиб бормоқдалар.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Истиқлолдан сўнг миллий ҳунармандчиликка ҳам катта эътибор қаратила бошланди. Шу боис қувалик тадбиркор-ҳунарманд Эргашали Мирзаевнинг ишлари юришиб кетди. Водийда у тўқиган бежирим саватлар кириб бормаган хонадон қолмади.**

**СУРАТДА: ҳунарманд Эргашали Мирзаев.**

М.САРИМСОҚОВ олган сурат.

# «АВТООЙНА» ИШГА ТУШДИ

***ФАРҒОНА. /ЎзА мухбири Р.КАМОЛОВ/. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - мустақиллик куни арафасида Фарғона шаҳрида яна бир улкан саноат мажмуаси тўла қувват билан ишлай бошлади.***

Бу ерда мамлакатимиз автомобилсозлик тармоғи ривожида катта аҳамиятга эга «Автоойна» очиқ ҳиссадорлик жамияти ишга туширилди. Эндиликда мазкур корхона конвейрида тайёрланган сифатли маҳсулотлар Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас», «Тико», «Матиз» русумли автомобиллар учун йилига икки юз минг комплект автомобиль ойнаси тайёрлаб беради. Шу пайтгача Асакада тайёрланаётган ойналарнинг асосий қисми Ҳиндистондаги «Асахи глас» ва Жанубий Кореядаги «Ханг глас» корхоналаридан катта сарф-харажатлар ҳисобига олиб келинар эди.

Янги корхона бу борадаги ортиқча чиқимга барҳам берди. Ишлаб чиқариш тармоғи ўзбек автомобилларини зарур ойналар билан таъминлаб қолмасдан, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, янги иш ўринлари яратиш имкониятини беради. Асосан маҳаллий хом ашёда ишлайдиган тармоқ учун зарур ойналарни Қувасойдаги «Кварц» ҳиссадорлик жамияти етказиб беради.

Янги корхонага 19,3 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб этилди. Италиянинг «Национал Деловоро» банки томонидан берилган кредит ҳисобига Швейцария, Финландия, Италия сингари автомобиль саноати ривожланган мамлакатлардан замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олинди. Бу борада Италиянинг «Текинт» компанияси мутахассислари катта ёрдам берди. Эътиборли томони, корхонада 364 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг бир қисми хориждаги турдош корхоналарда малака ошириб қайтди.

Корхона фақат автомобиль ойналарини ишлаб чиқариш билангина чекланиб қолмай, мамлакатимиз мебелчилик тармоғи учун ҳам маҳсулот етказиб беради.

Корхонанинг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев иштирок этди.

# СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

***Инсон баъзан билиб-билмай ножўя ишларга қўл уриб, сўнгра бот-бот пушаймон ейди. Бироқ "сўнгги пушаймон ўзингга душман", деб бежиз айтишмаган экан. Бунга Мирхамит Тожибаевнинг қилмишлари билан танишсак, бу нечоғли тўғри эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Агар у олдинги қилмишларидан тўғри хулоса чиқарганида, умрининг 17 йилини яна қамоқхонада ўтказишга ҳукм қилинмаган бўлармиди... Яна ким билсин.***

Мирхамит Тожибаев Олмалиқ шаҳридаги Радра мавзесида жойлашган "Бобур" чойхонасида ишлаб, ўша ерда яшарди. Оиласидан ажрашган, сўққабош... Устига-устак фарзандлар қайғуси ҳам ундан йироқ. Беш нафар фарзандининг кафилини ўзидан соқит қилганигаям анча бўлган. Қорни тўқ, усти бут бўлса бўлгани. Худди шу тақлид кунларнинг бирида чойхонага келган иккита рус аёли билан танишиш бахтига эришди. Уларнинг бири Таиса Вострикова ёлғиз яшашлигини билгач, унга севги изҳор қилди. Уни ёқтириб қолганини айтавериб, кўнглини олгандек бўлди чоғи, учраша бошлашди. Ҳеч вақт ўтмай ўрталаридаги муносабат қалинлашди. Бирпасда эр-хотиндек бўлиб кетди. Мирхамитга тайёр бошпана ҳам топилди. Таисанинг уйида яшай бошлади.

Афсуски, уларнинг илиқ муносабатларининг умри баҳор гули янглиғ қисқа бўлди. Сабаби ҳам оддий, ноқонуний эр Мирхамит оғирини "хотини"га ташлаб қўйганди. Тўғри-да, ҳеч нарса олиб келмай, бутун нонини ярим қилаётган эрнинг Таисага нима кераги бор?! Моддий томондан қийналаётганини қанча такрорламасин, Мирхамит шунча бепарволигини қўймади, хуллас, рўзғор тебратишда ёрдам бермаётгани боис Таиса билан "Миша" (Мирхамитни шундай атарди) ўртасида низо келиб чиқди. Тортишувлар ўзаро жанжалга айланди. Жанжал эса кунда такрорлана бошлади. Лекин натижа кўринмасди. Шундан сўнг (яъни, 2002 йилнинг май ойида) Таиса "эри"ни уйидан ҳайдаб юборди. Эшикдан чиқаётганида бошқа уни безовта қилмаслигини ҳам уқтирди. Бунинг махсули ўлароқ, уч ойлар чамаси "эри" уни қайтиб безовта қилмади.

Таиса 2002 йилнинг август ойида Мирхамитни учратиб қолганида чаққон эр яна унинг кўнглини овлай бошлади. Бунга эришди ҳам. Узилган ришталар қайта боғланиб, аввалгидек бирга яшай бошлашди. Бу сафарги "иноқлик даври" октябр ойигача давом этди, холос. Шундан сўнг...

Ўша куни Мирхамит одатдагидек Низомий кўчаси, 5-а уй 9-хонадонга бориб қўнғироқ тугмасини босди. Эшикни "хотини" очди. Ичкарига кирди. Таиса балиқ қовураётган экан, шу пайт. Яна унинг суппайиб "қуруқ" келганидан уй бекаси зорлана бошлади ва данғалига бошқа бойроқ эркак билан яшамоқчи эканлигини айтди. Шу гапдан сўнг Мирхамит уни "тинчитмоқчи" бўлиб ташлана бошлади. Столнинг устида турган пичоқни олиб, юрак қисмига урди. Таиса жон ҳолатда қочишга тутинди. Бироқ кўзларига қон тўлган Миша уни ушлаб бўйнининг олд қисмига яна икки марта пичоқ санчди. Шундан сўнг Т.Вострикова беҳуш ерга қулади.

Қилғиликни қилиб қўйган Мирхамит ўзининг ишидан қўрқиб кетди, шекилли оёғи куйган товуқдек типирчилаб қолди. Вақтни қўлдан бой бермай, кирдикорини яширишга киришди. Шунда шкафдаги журналдан олиб, ёндирди-да, меҳмонхонадаги креслонинг тагига ташлади. Кейин ҳеч нарса кўрмагандек эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Бу ишларни қилганида "бузоқнинг қочгани сомонхонагача" эканлигини ўйламаган эди. Ўйлаганида, қасддан одам ўлдиргани етмаганидек, уйига ўт қўймаган бўлардими?

Мазкур жиноят иши Олмалиқ шаҳар ИИБ тергов бўлими томонидан ўрганилиб, барчасига ойдинлик киритилди. Жиноятчи эса жазосиз қолмади. Олиб борилган тергов ҳаракатларидан Тожибаев Мирхамит Мирробидович муқаддам уч маротаба судланганлиги аниқланди. Бироқ, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармай, айбини оғирлаштирувчи ҳолатларда шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдиргани ва қасддан мулкка зарар етказганлиги кишини беихтиёр ўйга толдиради. Унинг одам ўлдиришига нима сабаб бўлди экан? Арзимаган тортишув оқибатида содир этилган бу жиноятчиликни қандай изоҳлаш мумкин? Ёки у оддий золимликми?

Суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, Таиса Востриковaнинг танасида ва бўйин соҳасида кўплаб кесилган жароҳатлар бўлиб, ўткир тиғ чап кўкрак қафасига тешиб кириб қорин бўшлиғига ўтган ва талоқни шикастлаган. Шунингдек, санчилиб кесилган жароҳат оқибатида ички ва ташқи қон кетиш, тананинг умумий қон йўқотиши каби жароҳатлар аниқланган. Бу жароҳатлар қандайдир ўткир кесувчи-санчувчи жисм таъсирида олинганлиги аниқланган ва бу ҳаёт учун ўта хавфли эканини ҳам айтиб ўтилган.

Судлов ҳайъати судланувчи М.М.Тожибаевни олиб борилган тергов ишлари, суд-тиббий экспертиза хулосаси ва гувоҳларнинг кўрсатмаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-модда 2-қисми "ж" банди, 173-модда 2-қисми "б" банди билан айбдор, деб топди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 17 (ўн етти) йил озодликдан маҳрум этиш тайинланди. Шунингдек, кўрилган 130 минг сўм зарар марҳумнинг яқинларига ундириб берилди.

Шу тобда ўйга толасан киши. Жиноятчи жазо муддатини ҳам ўтаб чиқар. Лекин умрининг асосий қисмини қамоқхонада ўтказган бу кимсанинг яна эски касали хуруж қилмаслигига ким кафолат беради? Ёки жиноятнинг бошқа кўчаларига бош суқиб кўрмаслигига-чи?!

**Аҳмед АҲМЕДОВ,**
**Тошкент вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи.**

# РЎЗҒОР ОБОДЛИГИ МЕҲНАТДАН

**ИНТИЛИШ**

***Фарғона вилоятининг Фурқат тумани 1991 йили меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларга қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган.***

Ўтган ўн икки йил давомида бу ерда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Чунончи, аҳоли соғлиғини сақлашни янада яхшилаш мақсадида кўплаб қишлоқ тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Ҳозирда уларнинг сони ўн биттага етди.

"Ишонч" ип-йигирув ҳиссадорлик жамиятининг Фурқат туманида тутган ўрни алоҳида. Ана шу корхонанинг ишга туширилиши 650 дан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаш имконини берди. 2003 йилнинг ўтган даврида бу ерда 1300 тоннадан зиёд ип калава тайёрланиб, тўқимачилик саноати корхоналарига жўнатилди. Бойиржон Тўйчиев етакчилик қилаётган ушбу ҳиссадорлик жамиятида яқинда замонавий дастгоҳлар ўрнатилган яна бир цех фойдаланишга топширилди. Бу ерда ва қўшни туманлардаги хўжаликларда етиштирилаётган пахтанинг маълум қисми ушбу корхонада қайта ишланиб, саноат маҳсулоти тайёрланаётганлиги иқтисодиётни ривожлантириб, ободончилик ишларини кенгайтиришга шароит туғдирмоқда.

Фермерлик ҳаракати ривожланаётганлиги, ширкатларда иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораётганлиги тармоқдаги кўрсаткичларда ўз ифодасини топмоқда. Қатрада қуёш акс этганидек, қуйида сўз бериладиган бир фермер ва ширкат мисолида шу соҳадаги муваффақиятларни кўриш мумкин.



-Мустақиллик деҳқонга ўз эркини қайтариб берди,- дея сўз бошлайди "Қудратилла" фермер хўжалиги соҳиби Тоҳиржон Маматқулов. - У эндиликда ҳар бир ишни мустақил ҳал эта олади. Энг асосийси, деҳқон кўп йиллик орзусига эришди: унинг тасарруфига узоқ муддат фойдаланиши учун ер берилди, техника воситалари, иморатлар ва бошқа мол-мулк эгаси бўлди. Шунинг учун ҳам кўп фермер хўжаликлари қатори бизнинг жамоамиз яхши натижаларга эришаяпти. Масалан, 2001 йили 7,5 гектар ғалладан 50 центнердан, 13 гектар пахтадан 30,5 центнердан ҳосил етиштирган бўлсак, бу йил 17 гектар бошоқли дондан 55 центнердан ошириб хирмон кўтаришга муваффақ бўлдик. 13 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Бу йил ҳосилдорликни 32 центнердан оширишга бел боғлаганмиз.



-Бозор муносабатларига ўтиш шароитида рўзғорни тебратиш хоҳ у оиланики бўлсин, хоҳ у катта ширкат хўжалигиники бўлсин, осон эмас,- дейди "Қўқон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Каримжон Жўраев. - Унинг машаққати ва масъулиятини ана шу қозонда қайнаётганлар яхши билишади. Ширкатимиз оз эмас, кўп эмас 24 қишлоқдан иборат. Унинг ҳудудида 10 та мактаб, 25 та болалар боғчаси, 5 та тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси, 2 та шифохона ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари мавжуд. Улар фаолиятини рисоладагидек юргизиш кўп жиҳатдан ширкат хўжалиги иқтисодига, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олинишига боғлиқ.

Ширкатнинг мингга яқин аъзосини моддий жиҳатдан таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш доимий эътиборимизда бўлиб келмоқда. Кейинги қисқа вақтнинг ўзида Шўрқишлоқ, Полвонтош, Регистон, Пахтакор қишлоқлари тўлиқ газлаштирилди. Иккита қишлоқ, олтита маҳалла аҳолисининг ичимлик сув, газдан фойдаланганлик бўйича қарздорлиги хўжалик ҳисобидан тўланди. Болалар боғчалари ширкат томонидан сут, қатиқ, мева, сабзавот билан таъминлаб турилибди. 177 нафар икки ёшгача бўлган болалар учун тўланадиган нафақа ҳам хўжалик ҳисобидан қопланмоқда. Барча ишларнинг кўнгилдагидек бўлиши учун ширкат иқтисодини янада мустаҳкамлаш чораларини кўраяпмиз. Пахтакорларимиз бу йил 919 гектар ердан 30 центнердан ошириб "оқ олтин" хирмонини уйишга азму қарор қилишган.

Фурқат туманининг бошқа хўжаликлари меҳнаткашлари ҳам мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллигига муносиб совғалар тайёрладилар. Фурқат номли, "Томоша" ширкатлари, "Рўзимат ота" кўптармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ва бошқа меҳнат жамоалари энг улуғ ва энг азиз байрамимизни ажойиб туҳфалар билан кутиб олдилар.

**Мухтор СУЛАЙМОНОВ,**
**жамоатчи мухбир.**






*Хоразм вилояти Урганч туманидаги Давлатназар Ражабов раҳбарлик қилаётган*

***«АГРОМАШХИЗМАТ»***

*масъулияти чекланган жамият мамлакатимиз аҳлини Истиқлолимизнинг қутлуғ 12 йиллиги билан қизғин муборакбод этади.*

***Мустақиллигимиз абадий бўлсин!***

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ТАЯНЧ ПУНКТИГА ХУРУЖ

***Чеченистоннинг Ачхой-Мартан тумани Серноводск қасабасида жойлашган ИИВ ички қўшинларига қарашли таянч пунктига номаълум жангарилар бостириб киришди.***



"Новости"дан олинган маълумотларга кўра, босқин 28 август куни Москва вақти билан кеч соат 19.30 лар атрофида содир этилган. Ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, экстремистлар таянч пунктига граната отишган ва автоматларда ўққа тутишган. Тўқнашув оқибатида граната навбатчиликда турган уч нафар ҳарбийнинг ҳалокатига сабаб бўлган.

Жангариларга қарши ўт очилган бўлса-да, улардан ҳеч бири айтарли зиён кўрмади. Кейинги пайтлар Ачхой-Мартан туманида ҳукумат қуролли кучлари билан жангарилар ўртасида тўқнашув тез-тез кузатилмоқда.

## МУДҲИШ ФОЖИА

***Саранск – Москва автомобил йўлининг Саранскдан 60 чақирим масофадаги Новые Авгуры қишлоғи яқинида фожиа юз берди.***



Тижоратчилар билан лиқ тўлган "Мерседес" русумли автобус пойтахт томонга елиб бораётган эди. Тахминларга кўра, бошқа бир автобусни қувиб ўтишга аҳд қилган "Мерс" қарама-қарши томондан келаётган "КамАЗ" билан тўқнашган ва ёниб кетган.

Воқеа жойида тезкор тергов гуруҳи иш олиб бормоқда. Ҳозир Мордавия республикаси ИИВ ва ФВВ раҳбарлари ҳам ўша жойда. Айни пайтда қурбонлар сони 11 нафарни ташкил этмоқда. Ҳуқуқ-тартибот вакилларининг сўзларига кўра бу рақам ортиши ҳам мумкин. Фақатгина тўқнашув пайтида ўзини деразадан ташлаган йўловчиларнигина қутқаришга имкон бўлди. Ҳозир 25 нафар киши шифохонага ётқизилган.

## "ҲАМИША СЕНИ ЎЙЛАЙМАН"

***Британиянинг "Inelependent" газетасининг ёзишича, Италия Бош вазири Сильвио Берлускони Владимир Путинни ўз вилласида шоҳона дабдаба билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда.***



Берлускони олий мартабали меҳмон ташрифи муносабати билан вилласига Сардиния оролидаги кактус боғини кўчиртириб келди. Кактуслар икки давлат раҳбари режалаштирилган масалаларни муҳокама қиладиган майдон атрофини амфитеатр кўринишида безаб туради.

Кечки емак кўл соҳилидаги афсонавий шийпонда ҳозирланади. Худди ана шу паллада Россия президенти учун махсус концерт берилади. Дарвоқе, Берлускони Путиннинг ташрифи олдидан яна бир туҳфа ҳозирлаган. У яқин кунларда Россия раҳбарига атаб қўшиқчи Мариано Апичелли билан ҳамкорликда "Ҳамиша сени ўйлайман" деб номланган қўшиқ ҳам яратди.

## ҲИНДИСТОНДА КЎПРИК ҚУЛАДИ

***Ҳалокат натижасида 25 киши нобуд бўлди. шундан 22 нафари мактаб ўқувчиларидир. Яна 40 нафар йўловчининг тақдири номаълумлигича қолмоқда.***



Фожиа Мумбай (Бомбей)дан 193 километр шимолда Араб денгизи қирғоқларида Даман шаҳри яқинидаги машҳур курортда содир бўлди.Мазкур иншоот бундан 100 йил аввал қурилган эди. Кўприк айни машғулотдан, қайтаётган мактаб ўқувчилари билан тўлган автобус ўтаётган маҳалда қулаб тушди. Шунингдек, мазкур ҳодиса оқибатида яна битта микроавтобус ва учта мотоцикл дарёга тушиб кетди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**



# ТУҲМАТГА ГИРИФТОР БЎЛГАНЛАР

(Боши 1-бетда)

Аҳвол шу даражага бориб етгандики, одамлар яқин дўсти даврасида ҳам ўз фикрини айтишдан чўчирдилар.

Қаттол тузум раҳбарларининг биргина кўрсатмаси ёки таҳдидона ишоралари миллионлаб кишилар ҳаётига зомин бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Сталин нутқидан олинган қуйидаги фикрлар узоқ Хоразм воҳасида яшаб меҳнат қилаётган минглаб кишилар ҳаётини ҳам фожиага айлантирди: "...Партия тўғрисида Бухоро партия аъзоларининг 50 фоизи савдогар ва бошқалар... Партия тўғрисида тозалашдан кейин гапириш мумкин. Айтишларича, Хоразмда бир неча минг партия аъзолари бор. Ўйлайманки, у ерда тозалашдан кейин юз нафардан кўп партия аъзоси қолмайди". "Халқлар отаси"нинг юқоридаги фикрига ким ҳам қарши бора оларди. Маълумки, "тозалаш" жараёнидан сўнг неча минг бўлишидан қатъий назар, Хоразм партия ташкилотида юз нафардан битта ҳам ортиқ аъзо қолмайди. "Доҳий"нинг юқоридаги фикри узоқ йиллар давомида "қизил раҳбарлар" учун дастуриламал бўлганлиги аниқ. Айниқса, бошқа миллат вакилларидан олиниб ички ишлар ходимлигига тайинланганлар ҳамда шўро фаолига айланиб, кител кийиб юрган маҳаллий шахсларнинг айтгани-айтган бўлган. Кишилар тақдири соатлар ичида ҳал қилинаверган.

Хоразм округи Гурлан туманида ҳам бу каби ички душман ахтариш жараёни шу қадар шиддат билан олиб борилганки, элнинг мард йигитлари кўз очиб-юмгунча "ёт унсурлар", "чет эл жосуслари" ва "халқ душмани"га айланганлар. Гурлан азалдан катхудолар эли саналган. Унинг номдор кишилари воҳадаги барча мулкдорлар билан борди-келди қилганлар. Шундан шовотлик Қаландар кўр, Оллоёр кўпак, Қуриёз тарқақа, Жумахўжа қўрбошилар 1930-1931 йилларда Гурланга тез-тез келиб туришган. Натижада кўплаб юртдошларимиз уларга қўшилганлик ва ён босганликда айбланадилар. Гурланнинг энг обрўли кишиларидан бири бутун Хоразмда билими ва сиёсатдонлиги билан машҳур бўлган Бобоохун Салимов, Гиляутдин эшонлар 1929 йилда ўлдирилган бўлсалар, кейинчалик Сафарбой охун, Отажон қорилар отиб ташланди. Ҳабибулло эшон Авазбоев, Амат эшон Бузрукбоевлар эса ҳибсга олиндилар. Айблари – ўтмишда бой-бадавлат, имон-эътиқодли ва саводли бўлгани. Ундан ташқари, Гурлан бўйича 303 та оиланинг барча аъзоларининг инсоний ҳуқуқлари бекор қилинишини қандай баҳолаш мумкин? Улардан 120 нафари имомлик қилгани, 20 нафари илгари озодлик ҳаракатида қатнашганлиги, қолганларнинг бари асли хўжа-эшонлар авлодидан бўлганлиги учун шундай жазога муносиб кўрилган. Қўшни Манғит туманида бўлса, 1932 йилнинг ўзида 80 нафарга яқин киши мулла, эшонлар таъсирига эга, аксилинқилобий фаолият олиб бориши мумкин деган гумон билан "халқ душмани"-га чиқарилганлар.

Ўша пайтларга тааллуқли архивларда сақланаётган сарғайган қоғозлар билан танишар эканмиз, бир-биридан ажабтовур ҳолатларга дуч келамиз. Бир ҳужжатда Гурлан туманидаги "Маорифчи" жамоа хўжалиги бошқаруви таркибига партбилет соясида беш нафар ёт унсур – илгари бой бўлган раис Худойберган Бекжонов, имомнинг ўғли Мадамин Камолов, партия ячейка котиби Қурбонов ва бошқалар кириб, қулоқлар билан алоқада бўлганлар ва уларни жамоага тортганлар", - дейилса, яна бирида "Намуна" жамоа хўжалиги раиси Ҳайитбой Абдуллаев, бўлим бошлиқларидан Ўрозбой Ниёзов, Латиф Абдукаримов, Нормат Мадраҳимовларни ҳам имом, бой, қулоқ бўлганлар, дея ёт унсурга чиқаришган. Шунингдек, 1931 йилда "Маданият" колхозига республика раҳбари Акмал Икромов келганида у билан учрашиб, ҳамроҳлик қилгани учун раис Йўлдош Матжонов, фаоллардан Ўрозмат Қўчқоров, Давлат Мадраҳимов, Тожибой Одамов, Эшмат Худойбергановлар А.Икромовнинг "думи" сифатида Сибирга сургун этилади. Бу жаҳаннам қаъридан 1940 йил 17 сентябр куни фақат Ў.Қўчқоров, Э.Худойбергановлар қишлоққа қайтиб келадилар. Қолганларнинг жасади қаерда қолганини ҳеч ким билмайди. Бундай "халқ душман"ларини ҳар бир қишлоқда ўнлаб-юзлаб топиш мумкин. Архивларда сарғайган ҳужжатларни кўздан кечирар эканмиз, Гурланда кўп кишиларни "ёт унсур"ликда нотўғри айблагани учун Н.Эшжонов деган шахснинг ишдан олинганига кўзимиз тушди. Бироқ Н.Эшжонов каби айрим кимсалар ишдан кетгани билан қатағон машинаси тўхтаб қолмади. Аксинча, то 1953 йил, яъни "доҳий" Сталин вафотигача минглаб, миллионлаб бегуноҳ кишилар мустамлакачилик қурбонларига айланаверадилар.

Биз ушбу мақола орқали бир туманда бўлган айрим воқеаларни, баъзи бегуноҳларнинг номларини тилга олдик, холос. Аслида юқорида айтиб ўтганимиздек, улар сони миллионларни ташкил қилади.

Шукрки, истиқлол боис тарихимизнинг ана шундай мустабидчилик даврини холис ўрганиш ва бегуноҳ жабрдийдалар тўғрисида ҳаққоний сўзни айтиш имкони эга бўлдик. Президентимизнинг Фармони эл-юрт мустақиллиги, унинг равнақи учун жон фидо қилган минг-минглаб ўғил-қизларнинг номларини улуғлаш билан ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**Умид БЕКМУҲАММАД**


# "ЎЗПАХТАСАНОАТ" УЮШМАСИ



Барча юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрам – Ўзбекистон мустақиллигининг 12-йиллиги билан муборак этамиз!



Осойишталик, фаровонлик, аҳиллик юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин. Озод диёримиз мусаффо осмони узра ҳуррият қуёши тоабад нур сочибтурсин!



Озод эл, обод юрт, мангу бўл омон!


# ҚЎШИҚ ДИЛДАН КУЙЛАНСА...

(Боши 1-бетда)

**-Мумтоз куй-қўшиқларни севиб тингловчи ёшларимиз сони кундан кунга камайиб боряпти. Янги авлоднинг ҳақиқий ўзбек мусиқа санъатидан узоқлашувининг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?**

-Миллий мусиқадан узоқлашувимизга, аввало, санъаткорлар сабабчи, деб ўйлайман. Тарғибот ишлари етарли даражада эмас. Ҳозирги ёш санъаткорлар Фузулий, Навоий, Атоий, Гадоий, Машраб сингари улуғ шоирларимиз ижодини тушунмайдилар. Шу боис ёш хонандаларимиз енгил-елпи шеърларни қўшиқ қилишни афзал кўрадилар. Демак, ана шу "ижод намуналари"ни хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам эшитишга мажбурсиз. Замонавий қўшиқчилигимизда бир зарарли оқим пайдо бўлганки, у бутун оммани ўзига эргаштириб кетяпти. Санъатдан тижорат йўлида фойдаланишга уринаётган баъзи бир "юлдузлар" мумтоз меросимиз, миллий қўшиқчилигимиз илдизига болта уришаётганини билармикинлар?

Хорижнинг ўн яшар боласи Моцарт, Бетховен, Чайковскийни севиб эшитади, бизнинг болаларимиз-чи. Ўз мақомларимизни эшитишни истамайди, аниқроғи, эшита олмайди. Сабаби радио ва телевидение ҳам пул ишлаш илинжида савияси паст ашулаларни тинимсиз бераётир. Ёш авлод ана ўша енгил-елпи қўшиқлар таъсирида вояга етади, натижада мумтоз санъатимиздан бехабар ёшлар сони кундан-кунга кўпаяверади.



**-Гулбаҳор опа, эстрада санъатига олди-қочди мазмундаги қўшиқларнинг кириб келаётгани ёшлар маънавиятига қай даражада таъсир кўрсатади, деб ўйлайсиз?**

-Айни шу хусусда яқинда Республика маънавият ва маърифат марказида "Ўзбек миллий эстрадасида куй басталаш ва бадиий матн муаммолари"га бағишланган очиқ мулоқот ўтказилиши ҳаммамиз учун ҳам айни муддао бўлди. Очиқ мулоқотда санъатдаги барча муаммолар ўртага ташланди. Эстрадамизни енгил-елпи, савияси паст қўшиқлардан тозалаш, соф ўзбек миллий эстрадасини яратиш вазифалари ва бу йўлдаги тўсиқлар ҳақида ошкора фикрлар айтилди. Бироқ, барибир муаммо муаммолигича қолаверади.

**-Санъаткор фақат ўз дарди билан айтсагина, қўшиқ табиий чиқади, дейишади.**

-Санъаткор ўзининг дарди билангина қўшиқ куйласа, тингловчини зериктириб қўйиши табиий. Агар мен ҳам дардимни очиб-сочиб куйласам, кўп шинавандаларимни йўқотиб қўйишим мумкин. Ҳақиқий хонанда тингловчининг қалбидаги дардни ҳам илғаб олиши, уни тараннум этиши лозим.

**-Мулоқатга вақт ажратганингиз учун раҳмат.**

**Суҳбатдош:**
**Мунира ИБРОҲИМОВА.**

# КЎНГИЛ УЙИН НУРИ СЎНМАСИН

(Боши 1-бетда)

Лекин, иқтисодий томонимиз ёмон эмас. 2002 йилда 65 миллион сўм соф фойда олдик. Бу йил ғалланинг ҳар гектаридан олинган ҳосил 40 центнер ташкил этди.

Аммо, маданий-маърифий, маънавият соҳасидаги аҳволчи? Шу саволга жавоб излаб «Қўшчинор» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли »Мевазор» маҳалласи оқсоқоли Исмат Шоймардонов билан суҳбатлашдик.

-110 киши Россияга иш қидириб кетган. 300-400 нафар хотин-қиз ишламайди. 5800 нафар аҳоли яшайди. Клуб мудири Амир Жумаев, кутубхоначи эса Гулбаҳор Аҳматова деган киши. Хоҳласангиз уларнинг иши билан танишишингиз мумкин.

Маҳалла оқсоқоли билан биргаликда хўжаликнинг дабдабали, икки қаватли қишки клубини кўздан кечирдик. Аммо, у ерда инсон тугул учиб юрган чумчуқниям тополмайсиз. Хоналарнинг ҳаммасига қулф осилган. Клуб мудирини излашку бефойда бўлди. Кутубхона ҳам ёпиқ. Нега бу каттакон масканда маданий ҳаёт тўхтаб қолган? Нима учун клубнинг секциялари кун бўйи фаолият кўрсатмайди? Нега бу жой ёшларнинг, ҳатто катталарнинг ҳам севимли масканига айланмаган? Кутубхонада, клубда қизиқарли ва оммавий тадбирларни тез-тез ўтказиб туришса эҳтимол бу жой гавжум бўлиб қолармиди, дея ўйладим.

Ёшларнинг маънавий оламини бойитишга қизиқиши қандайлигини билиш ниятида Дилафрўз Жабборова билан гурунг қилдим. Унинг сўзларига қараганда ҳозир ҳамма боғларда олма териш билан банд. Ишдан сўнг кишиларнинг маданий дам олиши, улар учун турли тадбирлар уюштириш ҳеч кимнинг хаёлига келаётгани йўқ.

Тожихол Аҳмедова деган киши эса "Хўжаликда маданий ҳаётга муносабатингиз қандай? Умуман, кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиш учун қилинаётган ишлардан қониқаяпсизми?" деган саволимга ижобий жавоб қайтара олмади. Бунинг ўрнига "Ҳамма иш, фақат ишдан бошқа нарсани билмайди, яхшиси бу саволингизга бош ҳисобчимиз Аҳмедовдан жавоб олганингиз маъқул" деди. Аҳмедов бўлса хайрлашишниям насия қилиб кетиб қолди.

-Бу йил ҳисобидан қандай бадиий асар ўқидингиз? – дея сўрадим "Чарос" болалар боғчаси мудираси Гулнора Жабборовадан. – У эса елка қисди. Сўнгра:

-Журналист ака, китоб ўқишга вақт борми? – деди уф тортиб. – Иш кўп, қўл тегмайди. Бунинг устига ўқийлик, десак газета-журналлар ҳам йўқ. Боғчамизда 25 нафар киши ишлайди. Рўйхатда 70 бола бор, аммо ҳозир атиги 42 бола қатнаяпти, холос.

Бунга сабаб нима? Боғчада тарбиявий ишлар яхши эмасмикан? Ёки ота-оналар бола тарбиясини унчалик муҳим деб ҳисоблашмайди, тарбиячиларга унчалик ишонишмайди. Стол устида "Мактабгача таълим" журнали билан "Маърифат" газетасидан бошқа нашрни топа олмадик. Сабаби улар, яъни жамоадаги йигирма беш киши бошқа нашрларни деярли ўқишмас экан. Боғча атрофи ифлос, ҳовли девор билан ўралмаган. Тарбиячилар соат тўртда ҳам боғчада йўқлиги бизни ҳайрон қолдирди.

Бу аҳволдан туман халқ таълими бўлими мудири Аҳмаджон Мираков хабардормикин? Боғча ходимлари эса ишни яхшилаш ўрнига икки ойлик маошини олмаганликларидан зорланишди. Бу масалада ёрдам беришимизни илтимос қилишди.

Шаҳрисабз туманидаги Тўлқин Эргашев ҳамда Азамат Боймуродовлар раҳбарлик қилаётган хўжаликларда бўлганимда юқоридагидек хунук аҳволнинг аксини кўрдим. Айниқса, Амир Темур номли хўжаликда қурилган дала шийпонини кўрган киши қойил қолмасдан иложи йўқ. Хўжалик раҳбарининг айтишига қараганда яқинда бу жойни вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев билан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов келиб кўришибди. Бу ерда худди шу каби маданий-маиший масканларни янада кўпайтириш юзасидан семинар ўтказиш ҳам мўлжалланаётган экан.

Деҳқонларнинг севимли жойига айланаётган бу шийпон дид билан безатилган. Янги гиламлар тўшалган. Алоҳида ювиниш хоналари ҳам бор.

Ғулом Тўрақулов, Ўктам Узоқов, Бахтиёр Бердиев, Камолхон Акбаров, Бахтиёр Очилов, Жалол Рўзиев сингари фидойи кишиларнинг кўмаги билан бундай оромбахш масканлар сони янада кўпайтирилмоқда.

Маданий ҳаётни қадрлаган, маънавиятни ўйлаган киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Деҳқончиликдаги ютуқлар билан мақтанган раҳбар албатта халқнинг маданий турмуш тарзи, дам олиши, меҳнат шароити ҳақида ҳам жиддий ўйлаши шарт. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этяпти. Негаки, кишилар тафаккури, савияси қанчалик кенг, бой бўлса ишдаги муваффақиятлар ҳам юқори бўлиши аниқлиги тўғрисида ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Энг муҳими, кишининг кўнгил уйи ғариб бўлмаса. Инсон ҳаётида ҳар жиҳатдан мамнун бўлса, шунинг ўзи катта бахт.

**Жовли ХУШБОҚОВ**




# "ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ"

## ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

Серқуёш мустақил мамлакатимизнинг табаррук заминида истиқомат қилаётган барча азизларни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, сабзавот экинларининг, меваларнинг янги-янги, серҳосил навларини яратаётган ва мўл ҳосил етиштираётган, уни қайта ишлаётган боғбону соҳибкорларни, олимлару мутахассисларни, корхона жамоаларини, хорижлик ҳамкорларимизни

**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ!**

Ватанимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, чет эл технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турини янада кўпайтириш, келажаги буюк Ўзбекистоннинг равнақи йўлида барчага улкан зафарлар тилаймиз.




Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси томонидан хусусий тадбиркор Djuraev Lutfulla Sayfullaevich номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар



**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-322-25; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

**Реклама ва эълонлар бўлими телефони:** 133-44-43, 136-58-83.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар**

**Навбатчи:** М.АКРАМОВ



Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-721, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz

